

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 117-ҳадис

117 – عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «لَا

صَلَاةَ بِحَضْرَةِ طَعَامٍ، وَلَا وَهُوَ يُدَافِعُهُ الْأَخْبَثَانِ». رواه مسلم.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

"Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни:

«Таом ҳозир бўлганда ва икки томондаги ҳожати қистаб турганда, яъни пешоб ва ични бўшатгиси келиб турганда намоз йўқдир», дедилар.

Имом Муслим ривоятлари.

Фойда: Чунки бундай ҳолатларда намоз ўқувчи кишидан хушув кетади. Албатта намоз вақти кенг бўлса шундай. Лекин намоз вақти торайиб кетса, кароҳият кўтарилади.

Шарҳ: Ислом -инсон фитрати ва табиатини риоя қилади. Шунинг учун фикрни машғул қиладиган нарса юзага келса, ибодатни ўташда енгиллик пайдо қилинади. Шу сабабли Пайғамбар алайҳиссалом овқат ҳозир бўлганида, овқатга иштаҳа қилиб, фикру ҳаёли унга овора бўлиб қолмаслиги, шу сабабли намозни шошиб адо этмаслигини назарда тутиб, намоз ўқишни ман қилганлар. Шунингдек, ҳожат қистаб турганида ҳам намоз ўқишни ман этдилар. Чунки бундай ҳолатда у киши безовта бўлиб, хузув ва хушудан йироқ бўлади.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Икки томондан қистаб турганида ўқилган намоз хушувсиз намоз ҳисобланади.
2. Муслмон киши агар қорни жуда оч бўлса, намоздан олдин овқатни еб олади.
3. Ислом фақат ташқи жисмоний ҳаракатлардангина иборат бўлиб қолган ибодатни қабул этмайди, ибодатда аввало руҳият бўлиши лозим.
4. Муслмон киши намоз пайтида Аллоҳ хузурида турганини ҳис қилсин. Ақли ва қалби Аллоҳдан бошқасига чалғимасин.

5. Муслмон киши Аллоҳ ҳузурида турганида собит, хотиржам ҳолда туради. Нафсининг турли чалғитувчи таъсирларидан холи бўлади.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI